

ҚАДИМГИ  
БИТИКЛАР

# ҲУДУД УЛ-ОЛАМ

(Мовароуннаҳр тавсифи)

Форс тилидан таржима, сўз боши, изоҳлар  
ва жой номлари кўрсаткичи муаллифи  
*Омонулло Бўриев*



ТОШКЕНТ – «О‘ЗБЕКISTON» – 2008

Масъул муҳаррир:  
**Мирсодиқ Исҳоқов**, тарих фанлари доктори

Тақризчилар:  
**Аҳмаджон Қуронбеков**, филология фанлари доктори,  
**Маҳмуд Ҳасаний**, тарих фанлари доктори

**Тошкент давлат шарқшунослик институти илмий кенгаши  
томонидан нашрга тавсия этилган**

**Ҳудуд ул-олам/** [Масъул муҳаррир Мирсодиқ Исҳоқов]. – Т.: O'zbekiston, 2007. – 64 б. – (Қадимги битиклар).

Мазкур рисола Мовароуннаҳрнинг X асрдаги табиати, аҳолиси, этник таркиби, шаҳарлари, иқтисодиёти кабилар ҳақида муҳим маълумотларни ўз ичига олади. Ундан илмий тадқиқотларда, Олий таълим тизимидаги тарих, манбашунослик, матншунослик, Марказий Осиё тарихий географияси фанларини ўқитишда қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

**ББК 83.3**

ISBN 978-9943-01-107-6

© «O'ZBEKISTON» NMIU, 2008 й.

## СЎЗ БОШИ

Табиат ва жамият тарихини бақадри имкон мукам-мал ўрганиш учун турли маълумотларни қиёслаш ва шу асосда хулосалар чиқариш лозим бўлади. Жумладан, Ўзбекистон тарихини маълум бир босқичда тадқиқ этишда тарихий манбалар билан бир қаторда географик мазмунда ёзилган асарлар ҳам муҳим ўрин тутди. Зеро, географик манбаларда, ўлканинг ўтмишдаги табиати, хўжалиги, экологик ҳолати, шаҳарлари, аҳолиси (жумладан, этник жараёнлар), савдо-элчилик муносабатлари кабилар ҳақида маълумотлар акс этган. Ана шундай асарлардан бири “Китоб ҳудуд ул-олам мин ал-машриқ ила-л-мағриб” (“Олам(Ер)нинг машриқдан мағрибгача бўлган чегаралари ҳақида китоб”) бўлиб, фанда қисқача “Ҳудуд ул-олам” шаклида танилган. Мазкур китоб форс тилида ҳижрий 372 (милодий 982 – 983) йили Гузгон<sup>1</sup> вилоятининг волийси Абулҳорис Муҳаммад ибн Аҳмад учун ёзилган, бироқ ҳанузгача унинг муаллифи аниқланмаган ва фанда “аноним” (муаллифи номаълум) деб юритилади.

“Ҳудуд ул-олам” ягона нусхада сақланган бўлиб, 1892 йили Самарқанддаги китоб дўконидан Абулфазл Гулпайгоний томонидан топилди ва у орқали рус шарқшуноси А.Г.Туманский қўлига тушиб, Санкт-Петербургга олиб кетилди. Асар ҳақида дастлаб Гулпайгоний,

---

<sup>1</sup> Гузгон (Гузгонон, Жузжон, Жузжонон) – Шимолий Афғонистондаги тарихий вилоят.

сўнгра А.Г. Туманский илм аҳлига ахборот бердилар<sup>1</sup>. Шундан сўнг, олимлар ундан тадқиқотларда фойдаланиш имконига эга бўлдилар. 1930 йили таниқли шарқшунос В.В.Бартольд асарни факсимил шаклда, сўз боши ва жой номлари кўрсаткичларини илова қилган ҳолда нашр этишга муваффақ бўлди<sup>2</sup>. Шарқшунос В.В. Минорский эса унинг илмий изоҳли инглизча таржимасини эълон қилди (1937)<sup>3</sup>. В.В.Бартольд нашри асосида, “Худуд ул-олам” Техронда ҳам чоп этилди<sup>4</sup>. Бу нодир манба 1961 йили Кобулда В.В.Минорский таржимаси асосида форс тилида<sup>5</sup> ҳамда кирилл алифбосидаги матни 1983 йили Душанбеда<sup>6</sup> чоп этилгани маълум. Баъзи тўпламларда бу манбадан терма таржималар ҳам берилган<sup>7</sup>. “Худуд ул-олам” ўзбек тилига таржима қилинмаган.

Умуман олганда, “Худуд ул-олам” X асрда яратилган манбалар қаторига киради. Асарни ёзишда муаллиф араб тилидаги айрим географик манбалардан фойдалангани ҳолда, ўзи ҳам талайгина янги маълумотларни илова қилган. Асар ихчам ҳажмда ёзилган (жами 30

---

<sup>1</sup> Т у м а н с к и й А.Г. Из далекого прошлого Самарканда, 1868—1893. На память 25—летия взятия Самарканда (приложение к газете “Окраина”), Самарканд, 1893; Т у м а н с к и й А.Г. Новооткрытый персидский географ X столетия и известия его о славянах и руссах // ЗВО РАО, т. X, 1897.

<sup>2</sup> Худуд ал-алем. Рукопись Туманского. С введением и указателями В.В.Бартольда. Л., 1930.

<sup>3</sup> Hudud al-Alam. “The regions of the Word” A. Persian Geography circa”, 372 AH. — 982 A.D. Transl. and explained by V. Minorsky, London, 1937.

<sup>4</sup> Худуд ул-олам мин ал-машриқ ила-л-мағриб. Ба кўшиши дуктур Манучехр Сутуда. Техрон, 1340 (1961) йил (форс тилида).

<sup>5</sup> Худуд ул-олам мин ал-машриқ ила-л-мағриб. Бо муқаддимаи Бартольд ва ҳавоши ва таълиқоти Минорский. Таржимаи Мирхўсайншоҳ. Кобул, 1342 (1963) йил (форс тилида).

<sup>6</sup> Худуд ул-олам. Душанбе, 1983.

<sup>7</sup> Извлечения из “Худуд ал-алем” — анонимного персидского географического сочинения; по изданию В.В.Бартольда. Перевод под редакцией А.А.Ромаскевича // МИТТ, с. 209—217; Перевод извлечений из “Худуд ал-алем”, перевод с персидского З.Н.Ворожейкиной // МИКК, с. 24—34.

варақ). Мавжуд нусха XIII асрда кўчирилган, 60 боб (мақола)дан иборат. Унда муқаддимадан сўнг қуруқликларнинг чегаралари, океанлар ва денгизлар, ороллар, тоғлар, маъданлар, дарёлар, чўллар, маъмурадаги вилоятлар ҳақида маълумот бор.

Китобхонга тақдим этилаётган ушбу мўъжаз рисолада “Ҳудуд ул-олам”даги Мовароуннаҳрга оид маълумотлар асарнинг факсимил нашри асосида форс тилидан ўзбек тилига ўтирилди ва унга зарур илмий изоҳлар ҳам илова қилинди. Таржимон томонидан матнга киритилган изоҳлар ўрта қавс ичида ва изоҳ сўзлар оддий қавсда берилди.

Мазкур рисола Ўзбекистон тарихи ва унинг ўтмишдаги географик ҳолати билан қизиқувчилар учун муҳим аҳамиятга молик қўлланма бўлар, деган умиддамиз.

# Китоб ҳудуд ул-олам мин ал-машриқ ила-л-мағриб

## Денгизлар ва қўлтиқлар ҳақида сўз

[в.3а]. Яна бири **Хазар денгизидир**<sup>1</sup>. Унинг шарқий ноҳияти Фуз<sup>2</sup> ва Хоразмга туташган чўлдан иборат; шимол ноҳияти Фузга ва қисман Хазарлар [ери]га<sup>3</sup> уланади; унинг ғарбий ноҳияти Хазарлар ва Озарбодгон<sup>4</sup> шаҳарларигача<sup>5</sup> боради; жанубий ноҳияти эса Гелон, Дайламон, Табаристон ва Гургон<sup>6</sup> шаҳарларига туташган. Бу денгизнинг қўлтиғи йўқ; узунлиги тўрт юз фарсанг, эни [ҳам] тўрт юз фарсанг; унда балиқдан ўзга нарса овланмайди...

Яна бири **Хоразм денгизидир**<sup>7</sup>. Хоразмдан<sup>8</sup> қирқ фарсанг шимоли-ғарбда. Унинг гирд-атрофи ҳаммаси гузлар жойидир. Бу денгизнинг айланаси уч юз фарсанг.

## Тоғлар ва улардаги маъданлар ҳақида сўз

[в.6а]... Бу тоғ<sup>9</sup> Чинистоннинг<sup>10</sup> охиридаги чўлгача<sup>11</sup> давом этиб, сўнгра Мовароуннаҳр шаҳарлари ва Туркистон<sup>12</sup> шаҳарлари томон ўтади, Тироз ва Шулжи ҳудудигача боради ва ўша ерда бу асосий тизма тугайди... [Мазкур тоғ] Мовароуннаҳр ҳудудида тизмаларга ажралиб кетади ва ул тизмаларнинг ҳар бири [ўз навбатида] қатор тизмалар ҳосил қилади; улар бутун Мовароуннаҳр ноҳиятига ёйилган. Бу тизмаларда кумуш, олтин, қўрғошин, темир ва турли минераллар бор...

Шунингдек, Туғузғуз чегарасидан Искўк денгизи<sup>13</sup> яқинидан бир тоғ бошланади; у давом этиб, Тухсиён-

нинг охиригача ва Халлух чегараси бошланишигача боради. Ундан бир тизма ажралиб, хирхиз қавмларидан бири [жойлашган] ноҳияга қайтади ва уни Тўлас тоғи<sup>14</sup> дейишади. Хирхиз ноҳиятига қайтган ул тизмада асл оҳу (мушк), хуту, санжоб ва самур [каби] ҳайвон(лар) бор...

Ҳиндистондан бошланган тоғ шимол томонга давом этади... Бу тоғ шимолда Булўр,<sup>15</sup> Самарқандоқ,<sup>16</sup> Шакнон<sup>17</sup> ва Вахондан<sup>18</sup> ўтади; жанубда эса чўлгача боради... Жошт ҳудудида тутайди. Шимоли-ғарбда Мовароуннаҳрдаги [в.б б] Бутамон<sup>19</sup> ҳудудига (в.б б) ўтади ва Сарўшана<sup>20</sup> ҳудудигача давом этади. Бу тоғ Шакнон, Вахон ва Жошт ҳудудида сон-саноксиз тармоқларга бўлиниб кетади. Шу билан бирга, Вахон ва Жошт оралиғида кўплаб тизмалар ҳосил қилади ва улар Хуталон ҳудудида [турли томонга] ёйилган. У ерда кумуш ва олтин конлари бор. Хуталон тармоқларидан бир тизма Бутамон ҳудудидаги бир тизма билан қўшилади, сўнгра улардан кўп тармоқлар таралиб, Чағониён ҳудудига ўтади ва [ўша ёқда] тармоқланиб кетади. Асосий тизма Бутамонга етганда икки тизмага ажралади ва улар Сарўшана ҳудудига етганда иккаласи яна туташади.

Бутамон ҳудудидан бир тизма ажралиб чиқади, Бутамон — Дарёжа билан Чағониён оралиғидан ўтиб Самарқанд ва Суғд ҳудудига боради ва Бухоро ҳудудигача [етади]. Шу йўсинда ҳар бири озроқ, [айримлари] кўпроқ тармоқларга бўлинган.

[Бир тизма] Кашмир ҳудудининг шимолидан давом этиб... Шакнон, Вахон ва Бадахшондан ўтади, Хуталон рустоларининг жануб томони орқали Тухористонгача<sup>21</sup> етиб боради. Ториқон<sup>22</sup>, Сакалканд, Хулм, Самангондан ўтиб, Балхнинг жанубидан ўтади Сон ва Чаҳоряк ҳудудига киради ва у Гузгононга тегишлидир.

[Бу тизманинг] ғарб томондан бошланган қисми Ғур вилоятининг шимоли-ғарбидан давом этади ҳамда Исфизор, Ҳарий (Ҳирот), Бушанг ва Нишопурнинг жанубидан ўтади...

Бу тоғ Балх ҳудудидан бурилгач, Тухористонга қарашли Мадр чегарасида ўша атрофда ундан шунчалик [кўп] катта-кичик тизмалар<sup>23</sup> тарқаладики, унинг саноғини худонинг ўзи билади... [в.7а] Бу тизманинг<sup>24</sup> шимоли-ғарбий тармоғи Маррўд (Марвруд) ва Бағшўр оралиғидан ўтиб Сарахснинг жанубигача давом этади. Шимол томонларга ястангани Тус, Бовард ва Нисо ҳудудидан ўтиб Гургон ҳудудига этади.

### [в.8б]. Дарёлар ҳақида сўз

[в.9а]. Яна бири **Жайхун дарёси** (Амударё). Вахон ҳудудидан оқиб келади; Булўр ноҳияти, Шакнон, Вахон ҳудудларидан ўтади. (Сўнгра) Хуталон, Тухористон, Балх, Чағониён, Хуросон ва Мовароуннаҳр ҳудудларига оқиб келади. Хоразм ҳудудидан ўтиб, сўнгра Хоразм денгизига қуйилади.

Яна бири **Харноб дарёсидир**.<sup>25</sup> Қасак тоғининг ғарбий [ён бағри]дан бошланади; Бадахшон ва Порғар оралиғида Жайхун дарёсига қуйилади. Харноб [дарёси] Жайхундан катта, лекин ҳамма Жайхун[катта] дейди, ул сабабданким, Жайхун узоқроққа оқади.

Яна бир дарё<sup>26</sup> бор, Бутамондан олтиши фарсанг наридан оқади, ўша ердаги шимолдан жанубга йўналган тоғлардан бошланади. Мунк ва Ҳулбуккача оқиб боради, Порғарга<sup>27</sup> етганда Жайхунга қуйилади.

Яна бир дарё бор, уни **Вахшоб** дейдилар. Вахш тоғидан бошланади, Вахш яқинида Жайхунга қуйилади.

Яна бир дарё бор<sup>28</sup>, Куйжиёндаги тоғлардан бошланади. Навдиздан оқиб ўтиб Қуводиён яқинида Жайхунга қуйилади.

Яна бири **Чағонруддир**.<sup>29</sup> [Бу дарё] Чағониёндан оқиб ўтиб Тирмиз ҳудудида Жайхунга қуйилади.

Бу тўрттала [дарё] ҳам шимолдан жанубга оқади.

Яна иккита дарё бор. Бири каттароқ, уни Дарғом дарёси дейдилар; Тухористон ҳудудидан оқиб ўтгач, иккала [дарё] бирлашади, сўнгра Валволиж билан Хулм оралиғидан [в.9б.] оқиб ўтиб Жайхунга қуйилади<sup>30</sup>.



Яна бири **Ўзганд дарёси**<sup>31</sup>. Халлух тоғи<sup>32</sup> ён бағридан бошланади. Ўзганд, Боб (Поп) шаҳри, Аҳсикат, Хўжанд, Банокатдан оқиб ўтади. [Сўнгра] Чоч ҳудуди-га етади; Сутканд, Пороб каби кўпгина шаҳарчалардан ўтади; Жанд ва Жавора ерларига оқиб боради ҳамда Хоразм денгизига қуйилади.

Яна бири **Хирсоб дарёси**<sup>33</sup>. Бутамон чегарасидан, тоғнинг шимолий ён бағридан бошланади, Хирсоб шаҳри яқинида Ўзганд дарёсига қуйилади.

Яна бири **Ўш дарёси**<sup>34</sup>. бу ҳам ўша тоғдан<sup>35</sup> бошланади. Ўш ва Ўрашт оралиғидан ўтади ва Ўзганд дарёсига қуйилади.

Яна бири **Қубо дарёси**<sup>36</sup>. бу ҳам ўша тоғдан бошланади ва Қубо<sup>37</sup> яқинида Ўзганд дарёсига қуйилади.

Яна бири **Хатлом дарёси**<sup>38</sup>. Монисо тоғидан<sup>39</sup>, Халлух ва Яғмо<sup>40</sup> ўртасидаги чегарадан бошланади. Хатлом шаҳридан<sup>41</sup> оқиб ўтиб, Боб<sup>42</sup> яқинигача боради ва Ўзганд дарёсига қуйилади.

Яна бири **Парак дарёси**<sup>43</sup>. Халлух тоғи<sup>44</sup> ён бағридан бошланади, жануб томонга оқиб тушади, Чоч ҳудудидан ўтади, Банокат ва Қалос девори<sup>45</sup> оралиғида Ўзганд дарёсига қуйилади. Бу сувлар ҳаммаси бирлашгач, Чоч дарёси<sup>46</sup> номини олади, тозийлар эса бу дарёни Сайхун атайдилар.

Яна бири **Бухоро дарёси**<sup>47</sup>. Ўрта Бутамон<sup>48</sup> [тоғларидан] тўрт дарё бошланади, олти фарсанг масофа оқиб боргач, тўртталаси бирлашиб батиха (кўл) бўлади ва уни Дарёжа атайдилар. Ундан бир дарё бошланади; Сарушана, Самарқанд ва Суғд ҳудудидан оқиб ўтади. Бухоро [вилояти] ўртасидан оқиб, [сувининг] бир қисми Бухоронинг экинларига сарф бўлади ва яна бир қисми эса Овозаи [в.10а] Байкандга бориб қуйилади.

Яна бири **Балх дарёси**<sup>49</sup>. Бомийён ҳудудидан бошланади, Мадр ва Работи Карвон ҳудудидан ўтиб, Балхга етади, бу сув бутунлай Балх [вилояти]нинг деҳқончилигига сарф бўлади.

Яна бири **Ҳирманда дарёси**<sup>50</sup>. Гузгонон<sup>51</sup> чегарасидан бошланади, Фур яқинидан; Дурғуш, Тил ва Бустдан

оқиб ўтади. Сеистонга етиб келганда, [суви] қисман [суғоришда] ишлатилади, бир қисми эса Зираҳ денгизига<sup>52</sup> қуйилади.

Яна бири **Марв дарёси**<sup>53</sup>. Гузгонон ва Ғур оралиғида Ғарчистон чегарасидан бошланади. Бишинга оқиб бориб, [бир] дарани кесиб ўтади, (сўнгра) Маррўд<sup>54</sup>, Дизи Ҳинаф, Лўкар, Барақдар ва Гирангдан оқиб ўтиб Марвга етади, [у ерда суви] Марв экинзорларига сарф бўлади.

Яна бири **Ҳири дарёси**<sup>55</sup>. Ғур ҳудудидан бошланади ва [суви] Ҳири экинзорларига сарф бўлади. Ҳирида сел [суви]дан ҳосил бўладиган бошқа [анчагина] катта дарёлар ҳам бор, бироқ улар маълум вақтдан сўнг бутунлай қуриб қолади [ган мавсумий дарёлардандир]<sup>56</sup>. Шунинг учун [улар ҳақида] эслатмадик.

## **[в.12а]. Чўллар ва қумликлар ҳақида сўз**

Ер юзаси қумлик ёки шўртобдан иборат бўлган ва унда тоғ, оқар сув ҳамда экинзор бўлмаган жойни чўл (биёбон) дейдилар. Биёбонлар ҳар хилдир: бири кичикроқ, бошқаси каттароқ, қумли чўллар — баъзилари кичик, баъзилари катта. Ушбу бобда шу ҳақда тўхталиб ўтамыз...

[в12б]. Яна бошқа бир чўл бор. Унинг шарқий томони Марв<sup>57</sup> ҳудудидан ўтиб Жайхун (Амударё)гача етади. Унинг жанубий чеккаси Бовард, Нисо, Фаров ва Дехистон<sup>58</sup> [дан ўтиб] Хазарлар денгизигача боради; [у ердан денгиз бўйлаб] Отил ҳудудигача<sup>59</sup> ястанган, унинг ғарбий [чеккаси] Отил дарёси<sup>60</sup>, шимолий чеккаси Жайхун дарёси, Хоразм денгизи, Ғуз ҳудуди ва Булғор<sup>61</sup> чегарасигача етиб боради. Бу чўлни Хоразм ва Ғуз чўли<sup>62</sup> дейдилар. Бу чўлда бир қумлик бор: у Балх ҳудудидан бошланади ва Жайхун[дарёси] нинг жануби билан давом этиб Хоразм денгизигача боради. Эни баъзи жойларда бир манзил бўлса, баъзи қисмида етти манзил эрур.

## [в.13а]. Ноҳиятлар ҳақида сўз

Ноҳиятлар тўрт жиҳат билан бир-биридан фарқ қилади: биринчиси — [табиати, яъни] об-ҳавоси, ер юзасининг [шакли] ва иқлими; иккинчиси — динлари, шариатлари ва удумлари; учинчиси — тили; тўртинчиси — подшоҳликлари (яъни сиёсий-маъмурий чегараси).

Ноҳиятлар ўртасидаги чегара уч хил белгига қараб ажратилади: биринчиси — икки ноҳият ўртасидан ўтган кичикроқ ёки каттароқ тоғ орқали; иккинчиси — икки ноҳият ўртасидан оқиб ўтган кичик ёки каттароқ дарё орқали; учинчиси — икки ноҳият ўртасида ястанган чўл орқали...

Жаҳондаги барча обод жойлар<sup>63</sup> элик бир ноҳиятдан иборат ва шундан беш ноҳият экватордан жанубда жойлашган.

## [в.226.] Мовароуннаҳр ноҳияти ва ундаги шаҳарлар ҳақида сўз

Бу шундай ноҳиятки, унинг шарқий ҳудуди — Тибат ҳудудига туташ, жануби — Хуросон, ғарби — Ғуз ва Халлух, шимоли ҳам Халлух<sup>64</sup> ҳудуди [билан чегарадош]. Бу катта ва ободон ноҳият, ноз-неъматлари мўл; Туркистоннинг эшиги ва савдогарлар [гавжум] жой. [У ердаги] одамлар жанговар, зафар қозонувчи, мерган ва покдин. Бу адолат ҳукмрон ноҳият эрур. Унинг тоғларида кумуш ва олтин конлари ва қимматбаҳо тошлар жуда кўп, турли маъданлар, рух купороси<sup>65</sup>, маргимушли олтингугурт, олтингугурт ва навшодир (нашатир) ҳам тоғдан [қазиб] олинади.

**Бухоро** Мовароуннаҳрдаги энг катта ва обод шаҳар, машриқ подшосининг<sup>66</sup> пойтахти. [Ҳавоси] нам жой, мевалар ва оқар сувлар кўп. Одамлари мерган ва зафар қозонувчи. У ерда яхши жун гилам-палос, шолча ва жойнамоз тайёрланади, *пашмин* ва *шўра* (ҳам) ишлаб чиқарилади (ва уни бошқа) жойларга олиб кетадилар. Бухоро ҳудуди ўн икки фарсангга ўн икки фар-

сангдир ва унинг гир атрофи узлуксиз девор билан ўраб олинган<sup>67</sup> ва унинг ҳамма работларию қишлоқлари ана шу девор ичкарисида.

**Муъкон**<sup>68</sup>, **Хужодий**<sup>69</sup>, **Дандўна**<sup>70</sup>, **Бўмикас**<sup>71</sup>, **Мадёмижкас**<sup>72</sup>, **Жазганкас**<sup>73</sup> — Бухоро ҳудудидаги минбарли шаҳарчалар ва ободон жойлардир, экинзорлари кўп.

**Фараб**<sup>74</sup> — Жайхун [дарёси] бўйидаги шаҳарча, дарё мирининг қароргоҳи ўша ерда, атрофи чўл.

**Байқанд**<sup>75</sup> — шаҳарча, унинг мингга яқин работи бор, ери яхши; у ерда Бухородан келтириб дафн этилган гурхонларнинг<sup>76</sup> қабр-сағаналари бор.

**Суғд**<sup>77</sup> — ноҳият, машриқ ноҳиятлари ичида ундан хуррамроқ жой йўқ. Оқар сувлар ва дарахтлар кўп, ҳавоси соғлом, одамлари меҳмондўст ва қувноқ, ноз-неъмат фаровон ва обод жой; юмшоқ табиатли, диёнатли одамлар кўп.

**Тавовис**<sup>78</sup> — Бухорога қарашли шаҳарча, Суғд сарҳадида; унда ҳар йили бир кун бозор бўлади ва кўп халқ йиғилади.

**Кармина**<sup>79</sup>, **Дабусий**<sup>80</sup>, [в.23а] **Рабинжан**<sup>81</sup> — Суғдаги шаҳарчалар, [Бухородан] Самарқандга борадиган йўлда; обод [жойлар], ноз-неъмат, оқар сувлар ва дарахтлар [кўп].

**Кушоний**<sup>82</sup> — Суғдаги энг обод шаҳар.

**Армон** — Кушонийга қарашли (жой).

**Иштихан (Иштихан)**<sup>83</sup> — хуррам ва обод жой, ноз-неъмат кўп.

**Ганжкас, Фарнкас**<sup>84</sup> — икки шаҳар, (Зарафшон) дарёси билан Иштихан оралиғида жойлашган.

**Дарон**<sup>85</sup> — мўъжазгина кўркам шаҳар, Самарқандга тегишли.

**Самарқанд** — катта шаҳар, обод, ноз-неъмат фаровон ва бутун жаҳон савдогарлари [келиб-кетадиган] жой. Унинг шаҳристон, куҳандиз ва рабади бор. Бозорининг томи устидан қалайдан [ясалган] ариқдан сув оқади; сув тоғдан келтирилган. Унда монавийларнинг [сув оладиган] ҳовузлари бор; ул тоифани *нағўшок* атайдилар. Ул шаҳарда қоғоз ишлаб чиқарилади, [уни] бу-

тун жаҳонга олиб кетадилар, каноп (қуннаб) ипи [ҳам] тайёрланади. Бухоро дарёси<sup>86</sup> Самарқанд шаҳри яқинидан [оқиб] ўтади.

**Варағсар<sup>87</sup>, Банжикас<sup>88</sup> (Панжикат)** — иккита шаҳарча. Самарқандга қарашли, Бухоро дарёси бўйида жойлашган, сув тақсимлаш жойи ана шу Варағсардадир.

**Каш<sup>89</sup>** — иқлими иссиқ шаҳарча, унда ёмғир кўп ёғади, шаҳристон, куҳандиз ва рабади бор. Шаҳар дарвозаси олдидан иккита дарё оқиб ўтади, (суви) экинларга ишлатилади. Унинг тоғларида [ҳар хил] минераллар бор, [жумладан] тарангубин ва қизил туз; уни бутун жаҳонга олиб кетадилар. Яхши туялар кўп боқилади.

**Навқат - Қурайш<sup>90</sup>** — экинзорлари кўп шаҳарча.

**Нахшаб<sup>91</sup>** — ноз-неъматлар фаровон, экинзорлар кўп обод шаҳар. Унинг бир дарёси бор, шаҳарнинг ўртасидан [оқиб] ўтади.

**Сўнах<sup>92</sup>** — Нахшабга қарашли шаҳарча.

**Сакифағн** — шаҳарча, экинзорлари кўп.

**Базда<sup>93</sup>** — шаҳарча, аҳолиси кам, [бирок] экинзорлари кўп; бир қуруқ ўзани бор ва унда йилнинг маълум фаслидагина сув оқади, холос. [Аҳоли] аксари ҳолда қудуқ сувидан ва дўлоблар [воситасида чиқарилган сувдан фойдаланади].

**Касба<sup>94</sup>** — экинзорлари кўп жой.

**Тирмиз<sup>95</sup>** — кўркам шаҳар, Жайхун дарёси бўйида, унинг дарё бўйида жойлашган бир куҳандизи бор. Бу шаҳар Хуталон ва Чағониённинг марказидир. Унда яхши совун, яшил бўйра ва елпигич ишлаб чиқарилади.

**Ҳошумгирд** — шаҳарча, қўй ва чорваси кўп.

**Жарманкон** — шаҳарча, экинзорлари ва оқар сувлари бор.

**Чағониён** — хароб ноҳият, [бирок] катта ноҳият, экинзорлари кўп. Деҳқонлари нўноқроқ, дарвешлар жойи эрур, лекин ноз-неъматлари бисёрдур. Одамлари жанговар ва ботир. Бу ноҳиятнинг ҳавоси соғлом, ери ҳосилдор ва ширин сувлари бор. У ерда қисман йилқи [ҳам] боқилади, чакмон, гилам-палос ва кўплаб

заъфарон тайёрланади. Бу ноҳиятнинг подшоси мухторият [ҳуқуқига эга] подшоҳлардан ҳисобланади ва уни Чағониён амири дейдилар.

**Дорзангий**<sup>96</sup> — шаҳарча, айланасига хандақ билан ўраб олинган, Чағониён ҳудудида. У ерда пайтава, гилам ва шолча тайёрланади.

**Чағониён**<sup>97</sup> — катта шаҳар, тоғ этагида жойлашган, ушбу ноҳиятнинг қасабасидир. Оқар сувлари бор ва ҳуш ҳаволи жой эрур, одамлари дарвеш.

**Босунд**<sup>98</sup> — шаҳарча аҳолиси кўп, Бухоро ва Самарқандга [в.23б.] борадиган йўлда жойлашган. Мустаҳкам жой, одамлари жанговар.

**Зайнур** — шаҳарча, экинзорлари кўп, [бирок] аҳолиси оз.

**Навжод** — шаҳарча, мустаҳкам қўрғони бор.

**Дигар**<sup>99</sup> — шаҳарча, Ниҳом дарёси<sup>100</sup> яқинида жойлашган, ҳаволи хуш ва ноз-неъмат кўп.

**Ҳамворон**<sup>101</sup> — шаҳарча, Касавон дарёси<sup>102</sup> яқинида жойлашган, аҳолиси кам.

**Шумон**<sup>103</sup> — мустаҳкам шаҳар, тоғ ён бағрида жойлашган. Унинг айланаси *бора* билан ўраб олинган, тоғ тепасига қурилган қўрғони ва қўрғон ичида катта булоқ бор. Унда заъфарон кўп етиштирилади.

**Афризон**<sup>104</sup> — аҳолиси кам бир шаҳар, тоғлар орасида жойлашган.

**Вишгирд**<sup>105</sup> — мустаҳкам шаҳар, тоғ ва даштликда жойлашган: Чағониён ва Хуталон оралиғида. У ерда доим шамол эсади<sup>106</sup>. Шамс Балхийнинг, уни Оллоҳ раҳмат қилсин, қабри ўша ерда. Унда заъфарон кўп етиштирилади.

**Сарушана**<sup>107</sup> — катта ва ободон ноҳият, ноз-неъмат, шаҳар ва рустолари кўп. У ерда шароб кўплаб тайёрланади, тоғларидан темир [қазиб] олинади.

**Зомин**<sup>108</sup> — Хўжанд — Фарғона йўлидаги шаҳар, Сарушана [ноҳияти]га қарашли. Унда мустаҳкам қўрғон бор; экинзорлари кўп бир жой эрур.

**Чарқон**<sup>109</sup> — шаҳарча, Сарушана [ноҳияти]га киради; обод жой.

**Дизак**<sup>110</sup> — шаҳарча, унда оқар сув бор. Унинг яқинида Марсаманда деган жой бор, унда бир йилда бир кун бозор бўлади ва ўша куни ул бозорда юз минг динор [миқдорида мол] савдо қилинади, дейдилар.

**Навинжқас**<sup>111</sup> — Сарушананинг қасабаси ва бу ноҳият амирининг қароргоҳидир. Аҳолиси кўп, обод, нознеъмат фаровон ва оқар сувлари бор бир жойдир.

**Фаққас, Фарқ, Собот, Курқас**<sup>112</sup> — Сарушана ҳудудидаги шаҳарчалар, экинзорлари ва аҳолиси кўп.

**Бутамон**<sup>113</sup> — тоғ-дараларда жойлашган ноҳият, Сарушана ҳудудида. У уч қисмдан иборат: Ички Бутамон, Ўрта Бутамон ва Ташқи Бутамон. Бу экинзорлари кўп бир ноҳиятдир; дарвешлар жойи. Унинг қишлоқлари ва рустолари кўп. Тоғларида навшодир конлари кўп эрур.

**Барғар**<sup>114</sup> — Ўрта Бутамондаги ноҳият ва Дарёжа<sup>115</sup> [ҳам] унинг таркибига киради. Бухоро дарёси ана шу Дарёжадан оқиб боради, унга Ўрта Бутамонда ирмоқлар қўшилади.

**Хўжанд**<sup>116</sup> — шаҳар, шу номдаги ноҳиятнинг қасабаси эрур; экинзорлари кўп, одамлари мурувватли, у ерда анор кўп етиштирилади.

**Фарғона** — катта ва обод ноҳият, унда ноз-неъматлар фаровон эрур; тоғлар кўп, дашту шаҳарлари, оқар сувлари бор. Туркистоннинг эшигидир. У ерга кўплаб турк қуллар келтирилади. Тоғлари олтин, кумуш, мис, қўрғошин, навшодир, симоб, ёнартош, пойзаҳр тоши, магнит тоши ва [турли] минералларга бой; у ерда табархун ва антиқа дорилар тайёрлашда ишлатиладиган гиёҳлар бор.

Қадимда Фарғона подшоҳлари мухторият [ҳуқуқига эга] подшоҳлардан бўлганлар ва уларни деҳқон дейишган.

**Чадғал**<sup>117</sup> — Фарғонадаги ноҳият, тоғ-дараларда жойлашган; шаҳарчалари бор, қишлоқлари кўп. У ерда [в.24а] қўрғошин қазиб олинади. Маъданлар бор. Кўплаб қўй боқилади.

**Ахсикат**<sup>118</sup> — Фарғонанинг қасабаси, амир ва масъул аъёнларнинг қароргоҳи эрур; катта шаҳар, Хашарт

дарёси<sup>119</sup> бўйида жойлашган; тоғ этагида. Унинг тоғларида кумуш ва олтин конлари кўп. Одамлари мусаласни кўп ичади.

**Воскат** — Хўжанд ва Фарғона [вилоятлари] ўрта-сидаги чегара [жой]; экинзорлари кўп бир шаҳарча.

**Яшўх** — шаҳарча, у ердан симоб [қазиб] олинади.

**Тамохас, Номанкохас** — иккита шаҳарча, тоғ ён бағрида жойлашган.

**Сўх**<sup>120</sup> — тоғда, Бутамон ва Фарғона оралигидаги чегарада жойлашган; унинг олтмишта қишлоғи бор.

**Авол**<sup>121</sup> — тоғ этаги, у ерда қишлоқлар бор.

**Бағаскон** — Аволга қарашли [жой].

**Хавоканд**<sup>122</sup>, **Риштон**<sup>123</sup>, **Зандаромаш** — гавжум шаҳарчалар, экинзорлари кўп.

**Қубо**<sup>124</sup> — катта шаҳар, [бу] Фарғона ноҳиятидаги энг обод шаҳар эрур.

**Ўш**<sup>125</sup> — обод жой, ноз-неъмат кўп, одамлари жанговар эрур; тоғ этагида жойлашган. Бу тоғда қўриқчилар қўйилган, улар кофир туркларни<sup>126</sup> қайтариб туради.

**Ўрашт, Хирсоб**<sup>127</sup> — иккита шаҳарча, оқар сувлари, ялангликлари бор, ноз-неъмат бисёрдур, ҳавоси соғлом.

**Ўзганд**<sup>128</sup> — Фарғона билан Турк[лар ўлкаси] оралигидаги чегарада жойлашган шаҳар. Унинг яқинидан иккита дарё [оқиб] ўтади: бирини Табоғар дарёси<sup>129</sup> дейдилар, Тибатдан бошланади; бошқа бирини Барсхон [дарёси]<sup>130</sup> атайдилар, Халлуҳдан оқиб келади.

**Хатлом**<sup>131</sup> — шаҳарча, Хуросон амири Наср ибн Аҳмад<sup>132</sup> шу ерда туғилган экан.

**Кашўкас, Поб**<sup>133</sup> — иккита обод шаҳарча, экинзорлари кўп.

Мазкур шаҳарлар барчаси Фарғона ноҳиятига мансуб.

**Бушт, Каласкон, Ярканд, Кўкас, Хушқоб** — бир-бирига яқин жойлашган шаҳарчалар, экинзорлари кўп, одамлари дарвеш.

**Шалот**<sup>134</sup> — турклар жойлашган ноҳият.

**Илоқ**<sup>135</sup> — катта ноҳият, тоғ ва чўл оралигида жойлашган. Аҳолиси кўп, экинзорлари бор, обод жой;



одамлари оддий. Унда шаҳар ва рустолар кўп. Рустолар аҳолисида кўпроқ оқ кийимлилар<sup>136</sup> одати бор, улар жанговар ва қатъиятли. Тоғларида кумуш ва олтин кони бор. Унинг ҳудуди Фарғона, Жадғал<sup>137</sup> ва Чоч ҳамда Хашарт дарёси билан туташ. Бу ноҳият ҳокимларини Илоқ деҳқони атайдилар, қадимда бу ноҳиятдаги деҳқонлар мухторият [ҳуқуқига эга] ҳокимлар эди.

**Навкас**<sup>138</sup> — Илоқнинг қасабаси; шаҳристони, қўрғони ва рабади бор. Уларнинг бир дарёси борким, уни Илоқ (дарёси)<sup>139</sup> дейдилар ва Навкас унинг бўйида жойлашган.

**Куҳисим**<sup>140</sup> — шаҳарча, тоғ ёнбағрида. Унинг тоғида кумуш кони бор.

**Дахкас**<sup>141</sup> — шаҳарча, унинг тоғидан маргимуш [қазиб] олинади.

**Ямудлиғ**<sup>142</sup>, **Абриғ**<sup>143</sup>, **Ййтулах**, **Алахжос**<sup>144</sup> — Фарғона билан Илоқ чегарасида жойлашган шаҳарчалар.

**Сомисибрак**<sup>145</sup> — кўркам ва обод шаҳарча.

**Барфаксум**, **Ҳанах**, **Хос**<sup>146</sup> — шаҳарчалар, экинзорлари кўп, аҳолиси кам.

**Фузжаңд** — кўркам ва ноз-неъмат тўкин шаҳарча.

**Тукас**<sup>147</sup> — шаҳарча, унда тўкин-сочинлик эрур.

**Калашижак**<sup>148</sup>, **Хамбарак**<sup>149</sup>, **Ардлонкас**<sup>150</sup>, **Сатбағво**<sup>151</sup>, [в.246] **Нахноҳ**<sup>152</sup> — бир-бирига яқин жойлашган шаҳарчалар, экинзорлари ва оқар сувлари кўп. Ардлонкас ушбу шаҳарларнинг қасабасидир.

**Курол**<sup>153</sup>, **Ғазак**<sup>154</sup>, **Хайвол**<sup>155</sup>, **Варзўл**, **Кабария**, **Бағравонак**<sup>156</sup> — бир-бирига яқин жойлашган кичик-кичик шаҳарчалардир, экинзорлари кўп; у ерда йилқи боқилади.

**Абрадкас**, **Бағвикас**, **Фарнкас**<sup>157</sup> — бир-бирига яқин жойлашган кичик-кичик обод шаҳарчалар, ноз-неъмат фаровон эрур.

**Жабғўкас**<sup>158</sup> — кўркам шаҳарча, қадимда Чочнинг лашкаргоҳи бўлган.

**Шакокиб**, **Ёнжибос** — иккита шаҳарча, кўркам ва обод [жойлардир], Илоқ [водийси]да жойлашган.

**Тункат-Бухорнон**<sup>159</sup> — қасаба; унинг Илоқ, Жадғал ва Чоч оралиғида ноҳиятлари, оқар сувлари бор; савдогарлар жойидир.

**Ёлопон**<sup>160</sup> — шаҳарча, ундан то Парак дарёси бўйига [масофа бир] фарсанг; унда дирам зарб қиладиган сарой бор.

**Чоч**<sup>161</sup> — катта ва обод ноҳият; одамлари ботир, урушга шай ва бадавлат; ноз-неъмат мўл. У ерда камон, камон ўқи ва халанж чўпи<sup>162</sup> кўп тайёрланади. Қадимда унинг подшоҳлари мухторият [ҳуқуқига эга] подшоҳлар бўлганлар.

**Бикас**<sup>163</sup> — Чоч [вилояти]нинг қасабаси эрур, катта шаҳар, обод ва кўркам шаҳар, вилоят султонининг қароргоҳи шу ерда жойлашган.

**Навижкас**<sup>164</sup> — шаҳарча, Парак ва Хашарт дарёларида ишловчи қайиқ ҳайдовчилар ушбу [шаҳар]дан дирлар.

**Каржокас**<sup>165</sup>, **Таркўс**<sup>166</sup>, **Хотункас**<sup>167</sup>, **Дамъонкас**<sup>168</sup> — иккита кичик ва обод шаҳарча; Суғд ва Самарқанднинг боргоҳи эрур; Фарғона ва Илоққа қарашли.<sup>169</sup>

**Банокат**<sup>170</sup> — Хашарт дарёси бўйида жойлашган, кўркам ва обод шаҳарча.

**Харсанкат**<sup>171</sup>, **Харажкат(Чиначкат)**<sup>172</sup>, **Штуркас**<sup>173</sup>, **Сабкас**, **Нужокат**<sup>174</sup>, **Канкарол** — Чоч вилоятидаги шаҳарчалар, уларда чочий камонлар тайёрланади; кўркам, ноз-неъмат бисёр, обод жойлардир.

**Исбижоб**<sup>175</sup> — мусулмонлар ва кофирлар [яшайдиган вилоятлар] чегарасида жойлашган ноҳият; Туркистон сарҳадидаги катта ва ободон жой; Туркистон ҳудудида нимаики ишлаб чиқарилса, ўша ерга келтирилади. Унда шаҳарлар, ноҳиятлар ва рустолар анчагина. У ерда кигиз тайёрланади ва [кўплаб] қўй [боқилади]. Бу ноҳиятнинг қасабаси Исбижоб номли шаҳардир. Бу катта ва ноз-неъматлар бисёр шаҳар бўлиб, султоннинг қароргоҳи эрур. Турли бойликлари кўп; бутун дунё савдогарларининг тўпланган жойи эрур.

**Соникас (Собаникас)**<sup>176</sup> — кўркам, ноз-неъмат кўп, бой шаҳар.

**Будаҳкас (Бузаҳкас)**<sup>177</sup> — кўркам ва ноз-неъмат кўп шаҳарча.

**Сутканд**<sup>178</sup> — ноз-неъматли жой, дарё бўйида жойлашган; одамлари жанговар. Унда сулҳ тузган турклар яшайди, уларнинг қабилаларидан кўплар мусулмон бўлишган.

**Бороб**<sup>179</sup> — ноз-неъматли ноҳият, унинг қасабасини Кадир атайдилар. Одамлари жанговар ва ботир; савдогарлар жойи. Исбижоб билан дарё бўйи оралиғи [даги ерлар] Исбижобнинг, қисман эса Чоч, Бороб ва Кунждеҳнинг яйлови саналади. У ерда минг ўтовдан иборат сулҳ тузган турклар яшайди, улар мусулмон бўлганлар.

**Саҳрон (Саброн)**<sup>180</sup> — ноз-неъмат кўп шаҳар, Ғуз савдогарларининг [савдо қиладиган] жойи эрур.

**Зарнўх** — дарё бўйида жойлашган шаҳарча, обод, [бирок] аҳолиси кам.

**Сўнох**<sup>181</sup> [в.25а.] — Боробга қарашли шаҳарча, ноз-неъмат кўп; у ерда яхши камонлар тайёрланади, [маълум қисмини] бошқа жойларга [сотувга ҳам] олиб кетишади.

**Шулҳий**<sup>182</sup>, **Тарор**<sup>183</sup>, **Таконкас**<sup>184</sup>, **Фарункас**, **Миркий**<sup>185</sup>, **Навикас**<sup>186</sup> — кичик шаҳарлардир, уларда мусулмонлар ва турклар [яшайди]; савдогарлар жойи. (Бу ерлар) Халлух[худуди]нинг бошланиши эрур. Фарункас, Миркий ва Навикасда турклар кўп.

## **Мовароуннаҳр ҳудудидаги ноҳиятлар ва уларнинг шаҳарлари ҳақида сўз**

Мовароуннаҳр ҳудуди тарқоқ жойлашган ноҳиятлардан иборат бўлиб, баъзиси унинг шарқида [бўлса], баъзи бири ғарбидадир. Мовароуннаҳрнинг шарқида Тибат ҳудуди ва Ҳиндустон, жанубида Хуросон ҳудуди [ястанган]; унинг ғарбида Чағониён ҳудуди ва шимолида эса Сарушана ҳудуди Мовароуннаҳр таркибига киради.

**Хуталон**<sup>187</sup> — катта тоғлар бағридаги ноҳият, обод, экинзорлари ва аҳолиси кўп, ноз-неъмат мўл; унинг подшоҳи мухторият [хуқуқига эга] подшоҳлардан. Бу

ноҳиятнинг одамлари жанговар. Унинг ҳудудида Тибат томондаги [қисмида] ваҳший одамлар [яшайди]. Чўллариди ва тоғларида кумуш ва олтин конлари бор; у ерда кўплаб бедов отлар боқилади.

**Хулбук**<sup>188</sup> — Хуталоннинг қасабаси ва подшоҳ (ҳоким) нинг қароргоҳи эрур; бу шаҳар тоғ этагида жойлашган, аҳолиси ва рустолари кўп.

**Нучоро** — мустаҳкам шаҳар, икки дарё оралиғида жойлашган: бири — Харноб<sup>189</sup>, иккинчиси — Жайҳун. Унинг бир ноҳияти бордурким, то Бадахшон ҳудуди-гача чўзилган ва уни Рустобек атайдилар. Бу шаҳарнинг бир томонидан Жайҳун[оқади], иккинчи томонида эса тоғ [қад кўтармиш]; ноз-неъматлар кўп жой, Хуталоннинг боргоҳи эрур.

**Борғар (Порғар)**<sup>190</sup> — обод шаҳар, экинзорлари ва аҳолиси кўп.

**Борсоруғ, Мунк**<sup>191</sup>, **Намлиёт**<sup>192</sup> — кичикроқ шаҳарчалар, ноз-неъмат мўл ва обод; одамлари жанговар.

**Вахш**<sup>193</sup> — обод ноҳият, Вахшобнинг соҳилида жойлашган.

**Ҳаловард**<sup>194</sup> — Вахш[ноҳияси]нинг қасабаси эрур; экинзорлари ва рустолари кўп бир шаҳар бўлиб, одамлари мерган ва жанговардир.

**Ливканд**<sup>195</sup> — Вахшга қарашли; у ерда вахши қўйлар боқилади.

**Жошт**<sup>196</sup> — тоғ ва дараларда [жойлашган] ноҳият, Бутамон ва Хуталон оралиғида. Рустолари ва экинзорлари кўп. Бу ноҳиятнинг улуғларини Жошт деҳқонлари дейишади.

Бир гуруҳ одамлар бор, уларни *кумижликлар* дейишади, Хуталон ва Чағониён ҳудудида яшайдилар, ботир, жанговар ва қароқчисифат кишилардир; уларнинг [асосий] бойлиги қўй ва қулардир. Қишлоқлари ва рустолари кўп, бироқ битта ҳам шаҳар йўқ. Чағониён ҳудудидагилари Шумон<sup>197</sup> билан Бишгирд (Вишгирд) оралиғида [жойлашган] Сайлокон [деб] аталувчи ноҳиятда яшайди; Хуталон ҳудудидагилари эса Намлиёт<sup>198</sup> ва Мунк оралиғида, тоғ этақларидаги даштларда, оқар сувлари

бор, яхши жойларда яшайди. Ҳар бир гуруҳ ўз ноҳия-тининг амирига бўйсунди. Хуталон ва Чағониён амирлари кези келганда улардан ёрдам сўраб туришади.

**Ганжина турклари** — кичик гуруҳ, Хуталон ва Чағониён оралиғидаги тоғда<sup>199</sup> жойлашган бир дарада яшайди; жуда мустақкам жой. Улар ўфриликни касб қилиб олганлар, карвон таловчи [в.256], сурбет ва чинакам қароқчилардир. Қароқчилик қилиш учун ўз ноҳияларидан ўттиз ва қирқ фарсанг [узоққача] боришади. Уларнинг Хуталон ҳамда Чағониён амирлари билан алоқалари бор.

**Дари Тибат (Тибат эшиги)** — қишлоқ, у ерда тоғ бағрига ўрнатилган бир эшик бор, унда мусулмонлар [қоровул] туриб бож оладилар ва йўлни қўриқлайдилар. Бу эшикдан чиққан [киши] Вахон ҳудудига қадам қўяди.

**Рахтажаб** — Вахондаги қишлоқ, унда оташпараст вахийлар (вахонликлар) яшайди.

**Скошим**<sup>200</sup> — шаҳар; [бу шаҳар жойлашган] ноҳиятнинг қасабаси Вахондир. Унда оташпарастлар ва мусулмонлар яшайди; Вахон [вилоятининг] подшоси ўша ерда туради. Унинг ҳудудида эгар учун жун ёпинчик ва [камон учун] вахоний ўқлар тайёрланади.

**Хамдо**<sup>201</sup> — унда вахийлар (вахонликлар)нинг бутхоналари мавжуд ва у ерда бир оз тибатликлар ҳам бор. Унинг сўл томонида бир қўрғон бор, унда тибатликлар яшайди.

**Санглинж** — тоғ этагида жойлашган; Бадахшон ёқути ва лаъли (конлари) ана шу тоғда. Кон яқинида иссиқ сувли қўл бор, суви шундай иссиқки, унга қўл уриб бўлмайди. Кондан то Тибатгача бир ярим кунлик йўлдир. Ундан ўтганингдан сўнг бир ноҳият [бор], унинг рустосини Малҳам атайдилар.

**Самарқандоқ** — катта қишлоқ, унда ҳиндулар, тибатликлар, вахийлар (вахонликлар) ва мусулмонлар яшайди. Бу ер сарҳад ва Мовароуннаҳр ҳудудининг охири саналади.

**Булўр**<sup>202</sup> — катта ноҳият; бу ноҳиятнинг бир подшоси бор ва у: “Биз қуёш фарзандимиз”, — дейди ва

то қуёш чиқмагунча уйқудан турмайди. “Фарзанд отадан илгари турмаслиги керак”, — дейди. Уни Булур шоҳи аташади. Бу ноҳиятда туз йўқ, уни Кашмирдан келтирадилар.

**Андарос** — шаҳар, унда тибатликлар ва ҳиндулар яшайди. У ердан Кашмиргача икки кунлик йўл. Сураат (карта)да Рухуд ва Мўлтон орасида кўрсатилган уйлар ҳаммаси қишлоқлар ва қарвон манзилгоҳларидир. Чўллар қуруқ, уларда ўт-ўлан оз.

**Хоразм** — Мовароуннаҳрнинг ғарбий [қисми] Хоразм ҳудудидан иборат.

**Кож**<sup>203</sup> — Хоразмнинг қасабаси, Ғўр Туркистонининг эшиги эрур; турклар, Туркистон, Мовароуннаҳр ва Хазарнинг боргоҳи ҳисобланади, савдогарлар [гавжум] жой. Унинг подшоси мухторият [ҳуқуқига эга] подшоҳлардан ва уни Хоразмшоҳ дейдилар. Ул жойнинг одамлари ботир ва жанговар. Фаровон шаҳардир. Унда ёстиқ жилди, қароканд, бўз, кигиз, камар ва пишлоқ (ёки қимиз) тайёрланади.

**Хашмисан**<sup>204</sup> — шаҳарча, савдогарлар [гавжум], тўкин-сочин жой.

**Навжобон** — шаҳар; унинг девори, темир дарвозалари, оқар сувлари бор, аҳолиси кўп.

**Гургонж**<sup>205</sup> — шаҳар, қадимда у Хоразмшоҳнинг мулки бўлган, ҳозир эса алоҳида подшоси бор ва унинг подшосини Гургонж амири дейдилар. Тўкин-сочин, бой шаҳар; Туркистоннинг эшиги ва савдогарлар (гавжум) жой эрур. У икки шаҳардан иборат — ички шаҳар ва ташқи шаҳар; одамлари жанговарлик ва мерганлик билан машҳур.

**Карднозхос, Базминия, Деҳ-Қаролкин**<sup>206</sup> — учта шаҳарча, уларнинг аҳолиси кам, экинзорлари бор.

**Кардар**<sup>207</sup> — аҳолиси гавжум шаҳарча [в.26а], экинзорлари бор. Унда кўплаб [қоракўл] тери тайёрланади.

**Хив**<sup>208</sup> — шаҳарча, деворлари бор, Гургонжга қарашли.

**Жанд, Хора, Деҳинав**<sup>209</sup> — учта шаҳар, Чоч дарёси бўйида жойлашган; Хоразмдан ўн манзил ва Поробдан йигирма манзил масофада. Ғузларнинг подшоси қишда ана шу Деҳинавда яшайди.

## ИЗОҲЛАР

1. **Хазар денгизи** — Каспий денгизи.
2. **Фуз** — араб ва форс манбаларида этник атама — фуз, хузз шаклида ҳам учрайди; қадимги туркий талаффузда — ўғуз. Ўғузлар — Марказий Осиёда яшаган туркий қабилалар. X асрда ўғузлар Сирдарёнинг қуйи оқимида ўз давлатларини туздилар ва бу давлат XI асргача, яъни қипчоқлар босқинигача мавжуд эди. “Худуд ул-олам”да “Фузлар [вилояти]”, деганда Хоразмдан шимолда ва шимоли-ғарбда жойлашган ерлар назарда тутилган.
3. **Хазарлар** — кўчманчи туркий халқлар; VII—X асрларда Шимолий Кавказ ва Қуйи Волгабўйида Хазар хоқонлигини ташкил қилган. Каспий денгизининг шимолий ва шимоли-ғарбий соҳиллари Хазар хоқонлигига тегишли бўлган ва шу халқ номи билан “Хазар денгизи” деб аталган. “Худуд ул-олам”да “Хазарлар” деганда Хазар хоқонлиги назарда тутилган.
4. **Озарбодгон** — Озарбайжон.
